

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ ҒУЛОМЖОН АБДУСАМАТОВИЧ

**АЗОТ ВА ФОСФОР САҚЛАГАН ЁНҒИНДАН ҲИМОЯЛАШ
ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Абдурахмонов Гуломжон Абдусаматович

Азот ва фосфор сақлаган ёнғиндан химоялаш воситаларини олиш
ва уларнинг хоссаларини ўрганиш.....3

Абдурахмонов Гуломжон Абдусаматович

Получение и изучение свойств азот и фосфорсодержащих
огнезащитных средств.....23

Abdurakhmonov Gulomjon

Obtainand investigation of properties of nitrogen and phosphorus containg
fierprotection meanings.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
Listpublishedworks.....44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ ҒУЛОМЖОН АБДУСАМАТОВИЧ

**АЗОТ ВА ФОСФОР САҚЛАГАН ЁНҒИНДАН ҲИМОЯЛАШ
ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.4.PhD/К52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси ik-kimyo.nuu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахманов Эргашбой
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рафиқов Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Даминава Шахло Шариповна
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил "___" _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (99871) 277-12-24; факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100104, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУнинг фундаментал кутубхонаси. Тел.: (99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Н.А.Парпиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф., академик

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда азот ва фосфор сақлаган ёнғиндан ҳимоялаш воситалари синтези ва уларнинг хоссаларини аниқлаш амалий ҳамда назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда бундай ёнғиндан ҳимоялаш воситалари синтез қилиш ва улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Кенг тарқалган тўқимачилик матоларининг юқори ёнғин хавфига эга бўлиши замонавий фан зиммасига материалларда аланга тарқалиш тезлиги қонуниятларини аниқлаш, ҳамда шу асосда ёнғин ҳимояси воситалари антипиренларнинг янги авлодини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёнғин ҳимояси воситалари – антипиренлар сифатида турли таркибдаги ноорганик ва органик бирикмалардан фойдаланилади. Ёнувчан материалнинг ёнишини сезиларли даражада камайтириш мақсадида уларнинг таркибига, галоген, азот ва фосфор сақлаган бирикмаларни киритилади. Сўнги йилларда антипиренлар синтез қилишнинг юқори самара берадиган усуллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бирикмаларини тузилиши, хоссаларини замонавий физик-кимёвий усулларида аниқлаш ҳамда уларнинг хоссаларини яхшилашда асосан уларнинг экологик хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, таркибида хлор, бром сақлаган моддалари ўрнига янги турдаги антипиренлар яратишга эътибор берилмоқда. Шу сабабли маҳаллий хомашёлар асосида таркибида азот ва фосфор сақлаган экологик хавфсиз ёнғин ҳимоя воситаларининг олиниши, тузилиши ва хоссаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг йўналишида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, енгил ёнувчан материалларни қийин ёнадиган формага ўтказувчи, таркибида азот ва фосфор сақлаган экологик тоза антипирен препаратлар яратиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831 сон «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ёнғин химояси воситалари синтези ва уларнинг тадқиқоти соҳасидаги ишларни амалга ошириш ҳамда ривожлантириш билан А.Т.Джалилов, Ш.С.Намозов, А.М.Насимов, Э.Абдурахманов, С.У.Тиллаев, А. Кубаев каби олимларимиз шуғулландилар. А.Т.Джалилов раҳбарлигида маҳаллий хомашёлар асосида таркибида азот, фосфор, бор сақлаган олигамер антипиренлар яратиш соҳасида кенг миқёсдаги тадқиқотлар олиб борилган, маҳсулот таркиби таҳлил этилган ва оптимал таркиблар тавсия этилган.

Хорижда Treviга туридаги полиэфир толаларидан тайёрланган маҳсулот оммага кенг тарқалган. Испанияда NurelS.A. фирмаси полиэфир турдаги ёнувчанлиги кам толалар ишлаб чиқарилган. Уларда турли микробларга ва нохуш ҳидларга қарши таъсир мавжуд. Ушбу полиэфир модификацияси тури тегишли кўшимча кўшиш йўли билан синтез қилинган ва ўрганилган. МДХ мамлакатлари худудида ёнғиндан химояланган куйидаги турдаги матолар қўлланилмоқда: Оксолон (Беларус), Тверлана, СВМ (Тверь шаҳри), Терлан, Фенилон (РФ) ва бошқалар. Германияда тўқимачиликда ёнғин химояси учун вилацетат билан аммоний полифосфатининг сувли суспензияси FR Cros 330 ва FR Cros 334 моддалари ишлатилади. Ёнғин химояси самарадорлиги ушбу препаратларнинг матога нисбатан 30-40% миқдорда қўлланганда натижа беради, бироқ шу билан бирга матонинг физик кўрсаткичлари ва газламанинг грифи озгина ёмонлашади.

Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ёғоч буюмлар, тўқимачилик ва бошқа материаллар учун антипирен таркиблар ишлаб чиқаришда органик ва ноорганик кислоталарнинг сувда эрувчан тузларидан кенг фойдаланилади. Бироқ, маҳаллий ноорганик таркибли хом ашёлар асосида юқори самарадорликка эга бўлган экологик жиҳатдан хавфсиз ёнғин химояси воситалари олиш, уларнинг тузилиши ва хоссалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-06 «Азот ва фосфор сақлаган бирикмалардан енгил ёнувчан материалларнинг ёнишини сусайтирувчи сифатида фойдаланишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги давлат фундаментал лойиҳаси ҳамда «Енгил ёнувчан материаллар (ёғоч ва турли матолар) ни қийин ёнувчан формага келтирувчи антипирен препаратларни яратиш,

уларни лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида синаш» мавзусидаги хўжалик шартномаси (2010-2011 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади азот ва фосфор сақлаган юқори самарадор, экологик хавфсиз ёнғиндан ҳимоялаш воситаларини олиш ва уларни хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада мавжуд ноорганик бирикмалар ҳамда Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида олинган ёнғин ҳимоя воситалари мақбул таркибларини аниқлаш;

олинган антипирен таркибларнинг хоссаларини анализнинг замонавий усуллари ёрдамида текшириш;

азот ва фосфор сақлаган антипиренлар билан ишлов берилган материалларнинг термооксидланиш ва алангаланиш жараёнларини тадқиқ этиш;

ёнғин ҳимоя воситаларини турли енгил ёнувчан материалларда дастлабки синовларини ўтказиш ва амалиётга жорий этиш учун таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Қизилқумнинг паст сифатли фосфоритлари, республикада ишлаб чиқилган аммофос, аммиак, аммоний сульфат, аммоний нитрат ва аммоний гидрокарбонат тузлари танланди.

Тадқиқотнинг предмети ноорганик бирикмалар асосидаги антипиренлар ҳосил бўлиш жараёнлари кимёси, олинган мақбул таркибларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ҳамда турли материалларда ёнғиндан ҳимоялаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг усуллари: ИҚ-спектроскопия, дифференциал термик анализ, потенциометрия, фотоколориметрия, газ хроматографияси.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор ноорганик тузлар ва аммофос асосида антипирен препаратлар олинган;

юқори самарадорликка эга бўлган аммоний дигидрофосфат, аммоний гидрофосфат, аммиак ва аммоний сульфатдан иборат ёнғин ҳимоя воситаларининг таркиблари оптималлаштирилган;

олинган азот ва фосфор сақлаган ёнғин ҳимоя воситаларининг термооксидланиш ва алангаланиш жараёнига таъсири аниқланган;

P_2O_5 нинг эритмага ўтиш даражасига температура таъсирининг тенгламаси келтириб чиқарилган ҳамда ушбу ўтиш жараёнининг температура коэффициенти аниқланган;

илк бор олинган маҳсулотнинг зичлиги, қовушқоқлиги, тўйинган буғ босими ва электр ўтказувчанлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хом ашёлар асосида азот ва фосфор сақлаган экологик хавфсиз юқори самарадор ёнғин ҳимоя воситалари SamUZ-1 (аммоний дигидрофосфат, аммоний гидрофосфат ва аммиак) ва SamUZ-2 (аммоний

дигидрофосфат, аммоний гидрофосфат ва аммоний сульфат) ишлаб чиқилган;

аммиак билан нейтраллаш, фильтрация ва тиндириш орқали аммофос эритмаси таркибини яхшилаш усули таклиф этилган. Сууюқ аммофос эритмасини қаттиқ механик аралашмалардан тозалашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

таркибида азот ва фосфор сақлаган антипирен препаратлар билан ишлов берилган материалларнинг (ёғоч, пахта, тўқимачилик материаллар ва ҳ.к.) ёнғин хавфи камайиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кондуктометрия, потенциометрия, газ хроматографияси, фотоколориметрия, микроскопия ва дифференциал термик анализ каби замонавий тадқиқот усулларида фойдаланиб олинган билан асосланади. Диссертация ишининг хулосалари математик статистика усуллари ёрдамида қайта ишланган тажриба натижаларига асосланиб қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аммофос ва ноорганик тузлар асосида таркиби аммоний дигидрофосфат, аммоний гидрофосфат, аммиак ва аммоний сульфатнинг турли нисбатдаги аралашмаларидан иборат ёнғин ҳимоя воситалари олишнинг мақбул шароитларини аниқланиши ва улар асосида юқори самарали антипирен препаратлар яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти енгил ёнувчан материалларни қийин ёнувчан формага айлантирувчи юқори самарадорликка эга давлат стандарт рақами Ts-05598172-01: 2018. бўлган ЁХВ лар таклиф этилгани билан белгиланади. Маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи антипиренларнинг ишлаб чиқарилиши хорижий валютани тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Азот ва фосфор сақлаган ёнғиндан ҳимоялаш воситаларини олиш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёнғиндан ҳимоялаш воситаси Антипирен «SamUZ» ни ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича техник шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 05598172-01:2018). Натижада ёнғиндан ҳимояловчи янги воситалар яратиш имконини берган;

самарадорлиги юқори бўлган ёнғин ҳимоя воситаси «Навоийазот» АЖ да амалиётга жорий этилган. («Навоийазот» АЖ нинг 2017 йил 17 февралдаги ФТК-03/1495-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш жараёнида енгил ёнувчан материалларни қийин ёнувчан формага ўтказиш ҳисобига техника хавфсизлигини таъминлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган азот ва фосфор сақлаган антипиренлар препаратлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ Ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш марказий лабораториясида амалиётга жорий этилган. (ЎЗР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси лабораториясининг 2018 йил

21 июндаги 29/11-463-сон маълумотномаси). Натижада антипирен бирикмаси асосида ёнғинга хавфсиз янги воситалар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижасиларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 5 та, жумладан 4 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёнғиндан химоялаш воситалари-антипиренлар ишлаб чиқишнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари**» деб номланган биринчи бобида ёнғин химояси воситалари ишлаб чиқишнинг замонавий ҳолати, улар ёрдамида қаттиқ материалларни, табиий, синтетик ҳамда аралаш толалар асосида олинган матоларининг ёнувчанлигини камайтириш соҳасидаги тадқиқотлар системага келтирилиб, назарий аспектлари таҳлил қилинган. Адабиётларда келтирилган илмий ишларнинг таҳлили ушбу ишнинг мақсади, вазифаси ва тадқиқот объектини танлашга имкон яратган.

Диссертациянинг «**Ёнғин химоя воситалари самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобида ишда фойдаланилган дастлабки моддаларнинг айрим хоссалари келтирилган. Фойдаланилган тадқиқот усуллар ва тажрибаларни ўтказишни мақбул шароитлари кўрсатиб берилган. Кислород индексини ва намунани ҳавода ёниши пайтида масса йўқотишини аниқлаш ҳамда ёнғин химоя воситалари самарадорлигини баҳолаш методлари ёритилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хом ашёлардан ёнғин химоя воситалари ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида маҳаллий хом ашёлар асосида юқори самарадор бўлган ёнғин химояси таркиблари олиш, синовлардан ўтказиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Ёнғин химоя

воситалари (кейинги ўринларда ЁХВ ёки ХВ) таркибини ишлаб чиқишда нисбатан яхши эрувчан аммофос (АФ) асосидаги система танланди. Неутрал муҳитга келтириш ва юқори даражадаги ёнғиндан ҳимоялаш хоссасига эга бўлган диаммоний фосфат улушини ошириш мақсадида рН нинг маълум қийматига қадар аммофос эритмасига аммиак билан ишлов берилди. Аммофоснинг кимёвий таркибини яхшилаш мақсадида унинг эриш жараёнига температура, бошланғич гранула ўлчами ва эритманинг аралаштириш интенсивлигининг таъсири аниқланди. Тажрибалар 20-60 °С, гранула ўлчамлари 1 – 4 мм ва аммофос: сув нисбати 5:95 дан 40:60 гача оралиғида ўтказилди. Эрувчанлиги суёқ фазанинг тиниқ қисмидаги азот ёки Р₂О₅ нинг миқдори асосида баҳоланди.

Температуранинг 20 °С қийматида Р₂О₅ нинг эритмага ўтган максимал миқдори (62 %) тажрибани 40-чи дақиқасига тўғри келади. Жараённинг температурасини 60 °С гача кўтарилиши Р₂О₅ нинг 65% қисмини 15 минут мобайнида эритмага ўтишини таъминлайди. Шу температурада жараён вақтининг 60 минутга қадар оширилиши Р₂О₅ ни эритмага ўтишига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Концентрация ва температуранинг эрувчанликка таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар 20 - 60 °С диапазонида 10 минут мобайнида Р₂О₅ нинг эритмага максимал даражадаги ўтиши 92-94 % ни ташкил этишини кўрсатди. Турли нисбатлардаги аммофос аралашмасини 20-60 °С диапазонидаги эрувчанлигини ўрганиш натижаларидан (жадвал.1) Р₂О₅ ни эритмага ўтишининг максимал қиймати унинг дастлабки миқдорига нисбатан 93-94 % дан ошмаслигини кўрамыз.

1-Жадвал

Турли нисбатлардаги аммофос аралашмасини 20-60 °С диапазонидаги эрувчанлигига

№	АМФ:Сув масса нисбати	Дастлабки Р ₂ О ₅ % масс.	Темп. °С	Вақт (мин.) бўйича Р ₂ О ₅ нинг эритмага ўтиш даражаси, % даст.миқдорига нисб.					
				5	10	15	20	25	30
7	25:75	11,5	20	45,0	56,1	59,8	81,0	84,6	89,0
8			60	65,3	75,2	87,4	92,6	93,3	93,4
9	20:80	9,2	20	56,1	61,0	76,6	92,9	93,0	93,2
10			60	74,5	84,3	93,1	93,4	93,4	-
11	15:85	6,9	20	59,6	76,0	85,1	93,0	93,6	-
12			60	80,0	92,2	93,7	93,7	-	-
13	10:90	4,6	20	78,3	91,9	92,0	93,6	93,6	-
14			60	84,1	93,3	93,6	93,6	-	-

Ўрганилган концентрация диапазонида ҳарорат 20 °С дан 60 °С гача кўтарилганда эрувчанлик 1,5-2,0 мартага ортади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда антипирен препаратлари тайёрлашда аммофоснинг дастлабки концентрацияси 25 % бўлган аралашмасини тайёрлаш тавсия этилади. Гранула ўлчамлари ва аралаштириш тезлигини Р₂О₅нинг эритмага ўтиши даражасига таъсирини ўрганиш 20-30 % ли аралашмаларда 20 °С да олиб борилди. Тажрибаларда аралаштириш тезлиги 100-200 айлан./дақиқага тенг бўлиб давомийлиги 5 - 10 минутни ташкил этди. Ўрганилган

концентрация ва гранула диапазоида аралаштириш интенсивлигини 200 айл/мин гача ошиши P_2O_5 нинг эритмага ўтишини 4 % га ортишига олиб келишини кўрсатди.

Гранула ўлчамининг 1-4 мм оралиғида ўзгартириш эриш жараёнига сезиларли таъсир этмади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида таркибида азот ва фосфорсақлаган антипирен воситалар олиш жараёнида аммофоснинг максимал эритмага ўтишини таъминловчи муқобил шароитлари танланди. ЁХВлари олишда қўлланиладиган бирикмалар таркиби ва муҳити бўйича маълум талабларга жавоб бериши лозим. Бошланғич аммофос эритмасининг рН қиймати 3,9-4,2 атрофида бўлиб, уни нейтрал ҳолатга келтиришда аммиак газидан фойдаланилди. Олинган натижалардан рНни 3,9-8,7 оралиғида олиб бориш унинг зичлигини дастлабки эритмага нисбатан 1,9 % ўзгаришига олиб келади. рН нинг ўрганилган диапазонда ўзгариши эритмадаги азотнинг улушини 2,6 дан 4,3 % (масс.) гача ортишига, азот: P_2O_5 нисбатини 0,23–0,43 оралиғида ўзгаришига, аммиак: H_3PO_4 нисбатини эса 1,20 дан 2,10 гача ортишига олиб келди. рНни ўзгаришига мос равишда эритмадаги моно- ва диаммоний фосфатлар миқдорининг кескин ўзгариши кузатилди. Эритманинг рН и 5,5 га тенг бўлганда ундаги моно- ва диаммоний фосфатлар нисбати 1:1 га тенг бўлади. Шунингдек, эритма рН=7 ва ундан катта бўлган намуналарда $(NH_4)_2HPO_4$ нинг нисбий улуши 80 % дан ортади ва ушбу таркибга эга препаратлардан ёнғин ҳимояси воситалари сифатида фойдаланиш юқори самара беради. Эритмадаги $(NH_4)_2HPO_4$ миқдорини аммиак таъсирида янада ошириш эритма юзасида аммиак буғларининг кўпайишига сабаб бўлади. Шу тариқа, кимёвий усулда аммофос эритмаси рН ини ўзгартириш орқали таркибида аммоний гидрофосфат (икки алмашинган туз) миқдори кўп бўлган антипирен препаратлари олишга эришилди

Тайёрланган ЁХВ ларининг самарадорлигини дастлабки баҳолаш 16363-98 рақамли давлат стандартига мос амалга оширилди. Синов объекти сифатида ўлчамлари 150x60x30 мм бўлган ёғоч намуналари олинди. Тайёрланган ёғочга рНи турлича бўлган аммофос эритмаларини шимдириш натижасида олинган намуналарнинг 2 дақиқа давомида, 200 ± 5 °С ҳарорат таъсирида массасининг камайиши аниқланди. Олинган натижалар 2- жадвалда келтирилган.

2-Жадвал

Антипирен таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарининг дастлабки синов натижалари

№	АФ эритмаси концентрация си, % (масс.)	рН	Намунанинг масса йўқотиши, % нисб.	Материал категорияси	
				ҚА *	ҚЁ **
14	30	7,0	10,2	+	-
15	30	8,5	9,0	+	-
17	40	7,1	9,2	+	-
18	40	8,3	8,7	-	+

*ҚА – қийин алангаланувчи материал; **ҚЁ – қийин ёнувчи материал.

Жадвалдан эритма концентрацияси ҳамда рН ини ортиши билан ёғоч намуналарининг масса йўқотиши сезиларли даражада камайиши кузатилади. рНи 7 га тенг антипирен билан ишлов берилган намуналарнинг самарадорлик гуруҳи II-бўлган қийин алангаланувчи материал тоифасига мансуб бўлиб, бу тоифага вазн камайиши 9 % дан 30 % бўлган материаллар киради). Эритма концентрациясининг 40 % (масс.) гача ортиши ва рН нинг 8 дан кам бўлмаган намуналарида қийин ёнувчи эффеқтли I-самарадорлик гуруҳи кузатилади (бу тоифага вазн камайиши 9 фоизгача бўлган материаллар киради). Бироқ аммофос концентрациясининг бундай оширилишида кўпинча чўкмалар ҳосил бўлиб, ЁХВ бекарорлиги сабабли, сақлашда муаммолар юзага келади. Шу сабабли, антипирен олиш жараёнида эритмадаги аммофос концентрациясини 40 % га кўтариш мақсадга мувофиқ эмас. Тажрибалар аммофоснинг дастлабки концентрацияси 10-20 % ва рН=7 бўлган барча эритмалари қийин ёнувчан (масса йўқотиши 11,1-13,4%) ёғоч намуналарини олишга имкон берди. Шундай қилиб, 10-20 % ли аммофоснинг рН \geq 7 қийматга келтирилган эритмаларидан II самарадорлик гуруҳига мансуб ёғоч буюмларини ёнғиндан химоялаш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Тўқимачилик материаллар учун тавсия этилаётган антипирен препаратлари таркибидан суспензион заррачалар йўқотилган тиниқ эритма бўлиши лозим. Буни кимёвий усулда амалга ошириш кўп меҳнат талаб этадиган жараён бўлганлиги сабабли, эритмани тозалашда тиндириш ва филтрлаш каби физик усуллардан фойдаланилди. Шу мақсадда оддий ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган кумли филтрдан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди. Филтр қатлами қалинлигини филтрлаш тезлигига таъсирини текшириш натижалари қатламнинг баландлигини 100 мм дан 150 мм га ортиши филтрация тезлигини 276 дан 240 кг/м²соатга камайишига, 50 мм га қадар камайиши эса филтрация тезлигини 414 кг/м²соатга қадар ошишига олиб келишини кўрсатди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аммофоснинг 20-25% ли суспензиясини филтрлашда идишнинг кум билан тўлдириш даражаси 50-75% бўлган ҳолат мақбул шароит сифатида қабул қилинди ва бундай шароитларда филтрлаш тезлиги 410-500 кг/м² соатга тенг бўлади. Кейинги тажрибаларда филтр сифатида турли таркибли тўқимачилик матолардан фойдаланиш имкониятлари текширилди. Олинган натижалар материалларда филтрланиш тезлигини кум филтрга нисбатан секин кетишини кўрсатди. Маҳсулотнинг тиниқлиги бўйича пахтадан тайёрланган матони полиэфирга нисбатан устунлиги аниқланди, яъни соф полиэфирда филтрланганда олинган эритма лойка бўлди.

Суспензион массани ажратишнинг тиндириш усули бўйича тажрибалар концентрациясининг 5 дан 25 % гача ортиши тиниқлашиш тезлигини 210 дан 174 мм/соатгача ва тиниқлашиш даражасини 92% дан 81% га қадар пасайишини кўрсатди. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида тўқимачилик материалларни ёнғиндан химояловчи, хоссалари яхшилланган суяқ антипирен препаратлари олинди. Юқорида ўтказилган тажрибалар

натижасида эритмани тозалашда тиндириш ва филтрлаш усулларида фойдаланиб тиниқ, қаттиқ заррачалардан тозаланган ЁХВ олиш усули ишлаб чиқилди. ЁХВларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш маҳсулотнинг зичлиги, динамик қовушқоқлиги, солиштирма электр ўтказувчанлиги, тўйинган буғ босимини билишни талаб этади. Тажрибаларда рН ни 6,5-8,0 оралиғида эритма зичлиги сезиларли ўзгармаслиги, бироқ концентрацияни 10-20 % гача ўзгариши 1 м³ эритма массасини 70 кг гача ортишини кўрсатди. 20⁰С концентрацияни 10дан 20 %гача ортиши қовушқоқликни 18% олиб келди. 60⁰С да эритмани рН га мосқовушқоқлиги 2,0-2,1 марта камаяди. Ўрганилган ораликда концентрация ва рН нинг ортиши билан электр ўтказувчанлик камаяди, аммо температуранинг 20 дан 60⁰С гача ортишидан электр ўтказувчанлик 1,7 марта ортади (3-жадвал).

3-жадвал

20 %ли антипирен эритмасини турли температурадаги зичлиги (ρ), қовушқоқлиги (τ), электр ўтказувчанлиги (γ) ва тўйинган буғ босими(p)

№	рН	20 ⁰ С				60 ⁰ С			
		ρ, г/м ³	τ, СПз	γ, см/м	p, кПа	ρ, г/м ³	τ, СПз	γ, см/м	p, кПа
1	6,6	1142	25,20	9,20	1,69	1110	12,44	16,10	15,41
2	7,0	1150	26,11	8,11	1,56	1115	12,51	14,72	13,79
3	7,9	1153	26,97	7,00	1,33	1118	13,00	13,78	13,39

Эритма концентрациясини ва рНининг ортиши билан буғ босимининг пасайиши кузатилади. Криоскопик усулда антипирен таркибларнинг музлаш температураси аниқланди. Кейинги тажрибаларда аммофос ва аммоний нитрат иштирокида таркибида N:P₂O₅ масса нисбати юқори антипирен препаратлари олишга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказилди.

Тажрибалар рНни турли қийматларида АФ:NH₄NO₃ 1:1дан 1:3 гача бўлган нисбатларида ўтказилди. Тажрибаларда аммофос ва NH₄NO₃ нинг эритмадаги биргаликдаги концентрациясини 20 % бўлиши таъминланди ҳамда тузларнинг масса нисбатлари 1:0,2÷1:1, эритманинг рН и эса 3,9÷7,5 диапазонида ўзгартирилди. Таркибида N ва P₂O₅ миқдори ўзаро тенг бўлган, эритма олиш учун аммофос ва NH₄NO₃ дан 1:1 масса нисбатда олинди. Яъни, эритмадаги аммофос ва NH₄NO₃ ни миқдори 10 % дан бўлиши таъминланди.

Тажрибаларда қўлланилаётган эритмаларнинг рН қийматини ортиши ёнғин химоя самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Буни эритма рН қиймати ортиши билан (аммиак билан нейтралланиши натижасида) унинг таркибидаги аммоний гидрофосфат (диаммоний фосфат) миқдорининг ортиши билан изохлаш мумкин. Тажрибаларда аммофос–NH₄NO₃ таркибли ЁХВларининг самарадорлиги баҳоланди. Тадқиқот натижалари аммофос ва NH₄NO₃ нинг ўзаро нисбатлари 1:1 (10%дан) бўлган аралашмаси билан ишлов бериш қийин ёнувчан категорияга мансуб ёғоч ва матони олишга имкон беришини кўрсатди. Аралашмадаги тузларнинг миқдорини 20% дан ортиши ЁХВ эритмасини сақлашда муаммоларни юзага келтириб чиқаради (чўкма тушади).

Азот ва фосфор сақлаган ёнғин химояси воситаларининг турларини кенгайтириш мақсадида аммофос ва (NH₄)₂SO₄ асосида ЁХВлари олинди. Тадқиқотларда аммофоснинг рНни 7÷8 оралиғида бўлган 10÷20% ли

эритмасидан фойдаланилди. Аммофос ва аммоний сульфат асосида олинган антипирен препаратининг таркиби ва хоссалари 4-жадвалда келтирилган.

4-Жадвал

Аммофос ва аммоний сульфат асосида олинган антипирен препаратининг таркиби ва хоссалари

№	Дастлабки таркиб		рН	Хосса		Масса йўқотиши, %	Материал категорияси
	АФ	(NH ₄) ₂ SO ₄		ρ, г/см ³	τ, сПз		
1	10	5	7,4	1152	24,1	9,6	ҚА
2	10	10	7,2	1161	24,7	8,6	ҚЁ
3	10	15	7,6	1173	24,9	8,5	ҚЁ

Ўтказилган тадқиқот натижаларини ўзаро солиштириш (NH₄)₂SO₄ кўшилган аммофос асосида тайёрланган ЁХВ нинг самарадорлиги NH₄NO₃ кўшилган аммофос ҳамда турли рН қийматларга эга бўлган соф аммофос эритмасига қараганда юқорилигини кўрсатди. Аммофос ва аммонийкарбонат асосида олинган ХВ самарадорлиги ўрганиш бундай антипирен дастлабки моддаларнинг исталган нисбатларида ҳам ёнғин ҳимоя самарасига эга бўлишини кўрсатди. Бироқ аммоний карбонатнинг эритмадаги концентрацияси 10% дан ортиши эритмани сақлаш жараёнида чўкма ҳосил бўлиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Кейинги тажрибаларда аммофос, NH₄NO₃ ва (NH₄)₂SO₄ тузлари асосида ёнғин ҳимоя воситалари олиш имкониятлари ўрганилди. Ушбу тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-Жадвал

Аммофос NH₄NO₃ ва (NH₄)₂SO₄ тузлари асосида ёнғин ҳимоя воситаларини олиш

№	Дастлабки таркиб, %масс.			рН	Зичлик (20°С), кг/м ³	Кимёвий таркиб %масс.			Намунанинг масса йўқотиши, %
	АФ	NH ₄ NO ₃	(NH ₄) ₂ SO ₄			N	P ₂ O ₅	SO ₃	
1	20	10	5	7.8	1185	8.0	8.85	2.9	8.8
2	20	10	10	7.6	1198	8.8	8.81	6.0	8.6
3	20	5	5	7.5	1177	8.2	8.80	3.0	8.7
4	20	5	10	7.8	1186	7.0	8.86	6.1	8.9

Барча олинган намуналарнинг ёнғин ҳимоя самарадорлиги юқори бўлиб, NH₄NO₃ ва (NH₄)₂SO₄ тузларини қандай масса нисбатларда кўшишдан қатъий назар, улар билан ишлов беришдан олинган ёғоч намуналари қийин ёнувчи категория талабларига жавоб бериши аниқланди.

Тажрибаларда табиий фосфатларни (Марказий Қизилқум фосфоритни) нитрат кислотали усулда парчалаб, антипирен таркиблар ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганилди. Бу усулда ЁХВни олиш иккита: фосфатларни парчалаш ва нитрат ионлари сақлаган эритмани қайта ишлаш босқичларидан иборат. Биринчи босқичда таркибида фосфат кислота ва кальций нитрат сақлаган нитрат кислотали экстракт (НКЭ) ҳосил бўлади. Жараён учун 50-70°С ва кислота концентрацияси 47-55% оптимал бўлиб, бу чегарада концентрациянинг ўзгариши жараён тезлигига сезиларли таъсир этмайди. Олинган НКЭда СаО:Р₂О₅ масса нисбати 2,55 қийматга эга.

НКЭ дан кальций ионларини гипс кўринишида чўктириш учун 40 % ли аммоний сульфат эритмасидан стехиометрик нормага нисбатан 70-130 % оралиғида қўшилди. Олинган суяқ маҳсулот таркибидан унинг асосий компонентлари аниқланди (6-жадвал)

Жадвал маълумотларидан, суяқ қисмдаги азотнинг миқдори 10,5 % дан, P₂O₅ ники эса 4,5 % дан ортиқ эканлигини кўрамиз. Бу чўктириш учун олинган (NH₄)₂SO₄ нинг ортиқча миқдори билан тушунтирилади. Тажрибаларда гипсни чўктиришни қуйидаги оптимал шароитлари аниқланди: NH₄)₂SO₄ стехиометрияга нисбатан -105 %; аралаштириш вақти - 30 дақиқа ва (NH₄)₂SO₄ концентрацияси 40% (масс.).

6-Жадвал

Суяқ маҳсулотлар намуналарининг кимёвий таркиби (t=50°C, T=30дақ.)

№	(NH ₄) ₂ SO ₄ ни миқдори, %стех. нисб.	Суяқ қисмдаги компонентлар миқдори, % масс.				СаО нинг чўкиш даражаси, %
		СаО	P ₂ O ₅	N	СаО/P ₂ O ₅	
1	70	4,6	4,5	10,1	1,02	60,7
4	100	1,1	4,1	10,5	0,27	89,6
6	120	0,9	3,6	10,3	0,25	90,4
7	130	0,8	3,1	9,2	0,25	90,1

Бу шароитда СаО нинг гипс кўринишида чўкиш даражаси 90% дан юқори бўлади. Демак, хосил бўлган суяқ фазани аммиак билан қайта ишлаш ва филтрлаб тозалаш табиий фосфатлар асосида юқори самарадор ЁХВ олишга имкон беради. Шундай қилиб, турли ноорганик бирикмалар (аммофос, аммоний нитрат, аммоний сульфат, аммиак, аммоний карбонат) асосида антипирен таркиблар ишлаб чиқариш усули яратилди.

Марказий Қизилкум фосфоритларидан олинган аммофос асосидаги антипирен препаратларининг оптимал таркиблари танланди ва уларнинг сифати кимёвий ва физикавий усуллар воситасида яхшиланди.

Ўтказилган тадқиқотлардан юқори ёнғин ҳимояси самарадорлигини намоён қилган антипирен воситаларининг таркиби ва улар билан ишлов берилган юмшоқ матоларнинг кислород индексини аниқлаш натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-Жадвал

Самарадорлиги юқори бўлган ёнғин ҳимоя воситалари билан ишлов берилган юмшоқ матоларнинг бирламчи синов натижалари

№	Аралашма Таркиби			Аралашма таркибдаги компонентлар миқдори, г	Эритма конц.	Материалнинг кислород индекси			
						Пахта (100%)	Пахта/ зигир (50:50)	Пахта/ вискоза (50:50)	Пахта/ полиэфир (50:50)
1	АФ	NH ₃	-	20:5	20	28	32	30	25
2	АФ	NH ₃	NH ₄ NO ₃	20:5:25	20	31	39	34	28
3	АФ	NH ₃	(NH ₄) ₂ SO ₄	20:5:25	20	35	42	37	30
4	АФ	NH ₃	(NH ₄) ₂ CO ₃	20:5:25	20	33	41	36	31

Жадвалдан турли таркибли матолар учун ишлаб чиқилган барча ЁХВлари юқори кислород индекси қийматига эга эканлигини кўрамиз. Аммо

ўтказилган тажрибалар ЁХВ таркибида 5% дан ортиқ $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ бўлган эритмаларни вақт ўтиши билан лойқаланиши ва чўкма ҳосил қилишини кўрсатди.

Бундай ҳолларда ЁХВ билан ишлов бериш матонинг сифатига таъсир этганлиги сабабли улардан матоларга ишлов бериш мақсадга мувофиқ эмас. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ сақлаган ХВларидан фарқли таркибида 10% гача NH_4NO_3 сақлаган антипирен билан оқ сурп матога ишлов берилганда матода ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади.

Бундан ташқари таркибида 10% гача NH_4NO_3 бўлган ЁХВ узоқ вақт (бир йил давомида) сақланганда ҳам унинг агрегат ҳолатида ўзгариш кузатилмади. Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда юмшоқ матоларни ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида ишлов бериш учун самарадорлиги юқори бўлган оптимал таркибли маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқилган антипирен сифатида таркибида масса нисбатлари(граммларда) 20:5:25 бўлган аммофос, аммиак ва аммоний нитратдан иборат аралашмани 20% ли эритмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинга тажрибаларда фойдаланишда бошқа моддалардан фарқлаш учун ҳамда ишлатишда қулайлик бўлишини ҳисобга олиб танланган ёнғин ҳимояси таркибини шартли равишда SamUZ-1 деб белгилаб олинди.

Олинган антипирен таркибларнинг ёнғин ҳимоя самарадорлигини ёғоч мисолида ўрганиш 16363-98 рақамли давлат стандарти ва СТ СЭВ 437-80 мос равишда амалга оширилди. Ушбу тажриба натижалари 8-жадвалда келтирилган

8-Жадвал

Юқори самарадорликка эга ёнғин ҳимоя воситалари билан ишлов берилган ёғоч намуналарининг бирламчи синов натижалари

№	Аралашма таркиби			Аралашма таркибидаги компонентлар миқдори, г	Эритма конц.	Ёғоч намуналарида синовлар		Материал категорияси
						Намунани кўмирланиш масофаси, мм	Намунанинг масса йўқотиши, %	
1	АФ	NH_3	-	20:5	20	5	10,3	ҚА
2	АФ	NH_3	NH_4NO_3	20:5:25	20	4	9,1	ҚА
3	АФ	NH_3	$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$	20:5:25	20	3	8,8	ҚЁ
4	АФ	NH_3	$(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$	20:5:25	20	3	9,0	ҚА

Жадвалдан ёғоч материалларни ёнғиндан ҳимоялашда таркибида аммоний сульфат сақлаган препарат энг юқори самарадорликка эга бўлишини кўрамиз. Бу антипирен билан ишлов берилган ёғоч намунасининг масса йўқотиш кўрсаткичи 8,8 % га тенг бўлиб бундай материал ҚЁ (қийин ёнувчи) категорияга мансуб бўлади. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида ёғоч материални ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида ишлов бериш учун самарадорлиги юқори бўлган оптимал таркибли маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқилган ЁХВ нинг таркиби масса нисбатлари (граммларда) 20:5:25 бўлган аммофос, аммиак ва аммоний сульфатдан иборат

аралашманинг 20%ли эритмасига мос келиши аниқланди ва ушбу таркиб шартли равишда SamUZ -2 деб белгилаб олинди.

SamUZ-1 ва SamUZ-2 таркибларнинг самарадорлигини текшириш Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ Ёнғин хавфсизлиги илмий-техник таъминлаш маркази лабораториясида бажарилди ва таклиф этилган ХВ самарадорлиги ижобий баҳоланган. Синов натижалари ЎзРИИБ ёнғин хавфсизлиги лабораторияси актлари ва маълумотномаси билан тасдиқланган.

Диссертациянинг «**Антипиренлар билан ишланган материалларнинг термооксидланиш ва алангаланиш жараёнларини тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобда ишлаб чиқилган антипирен препаратларининг тўқимачилик матоларини алангаланиш ва ёнғин тарқалиш тезлигига таъсири стандарт усуллар ёрдамида ўрганилди. Турли таркибли матоларга таклиф этилаётган SamUZ антипиренлар билан меъерий техникавий хужжатлар талабларига мос равишда ишлов берилди.

Табиий толалардан тайёрланган матоларда «SamUZ-1» антипирен химоя таркиблари самарадорлигини аниқлаш натижалари турли юза зичлигига эга бўлган матоларга зарур химоя самарасига эришиш учун химоя таркибларининг сарфи бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради. Тўқимачилик материалларнинг термик парчаланиши натижасида газсимон захарли маҳсулотлар чиқади.

Термопарчаланиш 12.1.044-89 рақамли давлат стандартига асосан 450-650 °С ҳароратда амалга оширилди. Ажралиб чиққан газ намунаси хроматографик усулда «Кристалл-5000.1» газ хроматографи воситасида амалга оширилди. Бунда, асосан CO, CO₂ ва O₂ нинг миқдори назорат қилинди. Олинган натижалар⁹-жадвалда келтирилган.

9-Жадвал


Матоларнинг пиролизи ва термооксидланиши жараёнларида чиқувчи газлар унумини аниқлаш

№	Мато тури (ўлчами- 80x80 мм)	Парч. темпси, °С	Парч. вақти, мин	Вазн кам- ши, %	СО ни чиқиши		СО ₂ ни чиқиши	
					мг/г	г/м ²	мг/г	г/м ²
1	Мато № 1 (П:ПЭ50:50);	500	8	>98	94	32,2	976	334
2		600	4	>98	82	27,7	1213	409
3	Мато№1+SAMUZ-1	500	8	≤78	79	29,4	448	167
4		600	4	≤82	67	25,2	704	265

ТОП – термооксидланишли парчаланиши.

Тажириба натижаларига кўра антипирен таркиблар билан ишланган матоларнинг термик парчаланиши давомида захарли газсимон моддалар ва тутун чиқишининг камайиши кузатилди. Демак, SamUZ-1 антипирен воситаси билан ишлов бериш кам ёнғин хавфига эга бўлган, юқори химоя самарадорлигига ҳамда яхши гигиеник кўрсаткичлар билан тавсифланувчи тўқимачилик матоларини олишга имкон беради. Матолардан кокс ҳосил бўлиш жараёнига антипирен таъсирини ўрганишда термик анализ усулидан фойдаланилди. Термоанализ жараёнида намуна инерт газ (азот) муҳитида қиздирилди ва коксланиш ҳамда пиролиз кўрсаткичлари аниқланади


(1-расм). Ҳарорат 500 °C га кўтарилганда азот ҳавога алмаштирилди ва ҳаво муҳитида коксинг термооксидланиш жараёни текширилди. Келтирилган маълумотлардан, ўрганилаётган антипирен таркиблар пахта матоларининг ёнувчанлигини камайишига самарали таъсир кўрсатишини кузатиш мумкин. Температуранинг 150°C гача бўлган оралиғида асосан, сорбцион намликнинг чиқиши ҳисобига масса камайиши кузатилди. 150-350 °C оралиғида антипирен билан ишланмаган матоларнинг 90% гача бўлган қисми термик парчаланишини, 850 °C гача оралиқда эса 2% қисми парчаланишини кузатилди. Ҳосил бўлган қолдиғи (кули) 2% ни ташкил этди.



1-расм. Целлюлозали мато (100 % пахта) намунасининг турли концентрацияли SamUZ-1 таркиби билан ишловидан кейинги термоанализ натижалари (ҳаво атмосферасида)

Ишлов беришда фойдаланилган антипирен сарфи 5дан 15% гача оширилганда ёнғин ҳимоя самарадорлиги ошади. Антипирен концентрациясининг ортиши матонинг парчаланиш температураси ва кул қолдиғининг 5 марта ошишига, термик парчаланиш амплитудасининг 3 мартагача камайишига олиб келди.

Ишлаб чиқилган антипиренларнинг таъсир самарадорлигини баҳолаш мақсадида Паулик-Паулик-Эрдей дериватографида комплекс термик анализ ўтказилди. Қуйида (2-расм) олинган натижалар келтирилган.



2-расм. Соф пахта толаси асосидаги матонинг (а) ҳамда SamUZ-1 антипирен эритмаси билан ишлов берилган намуна (материал – оқ сурп, массаси – 101 мг, юзавий зичлиги – 185 г/м²) нинг (б) термик анализ натижалари (дериватограммаси)

Расмдаги маълумотлардан препарат билан ишланган намуналар парчаланишининг бошланғич температураси 228 °С бўлиб, соф матога нисбатан (250 °С) пастлигининг сабаби аммофос таркибидаги дастлабки аммиак молекуласининг ажралиши нисбатан осонлиги билан тушунтирилади. Температуранинг 100÷600 °С оралиғида антипирен билан ишлов берилган материалнинг ишлов берилмаганига нисбатан парчаланиш даражаси 1,5÷2,0 баробарга камроқдир. T₅₀₀ ва T₆₀₀ даги парчаланишда кескин фарқни кўриш мумкин. 500 °С да ишлов берилмаган матонинг 84,76% қисми, антипирен билан ишланган матонинг эса 57,4% қисми; 600 °С да ҳам мос равишда 96,8% ва 66,83% парчаланишни кўрамиз.


Бунда целлюлоза парчаланишидан ҳосил бўлган коксинг термооксидланиш жараёнига препарат тўсқинлик қилади, деган маъно келиб чиқади. Тоза матода авжли парчаланиш тезлиги A₂=44,9% /мин; ишлов берилган матода эса A₂=35,9% /мин ни ташкил этиб, қарийб 10%/минга камдир. Кул қолдиғи ҳам тоза матога нисбатан қарийб 2 баробарга кўпроқ.

Кейинги тажрибаларда антипирен таркиблар таъсирини ўрганиш мақсадида улар билан химояланган материаллар ИҚ-спектроскопия усулида тадқиқ этилди. Спектрларнинг 3261; 3345 ва 3412 см⁻¹ соҳалардаги кенг ютилиш полосаси целлюлоза макромолекуласида молекулалараро водород боғ туфайли полосанинг кенглиги ошган ва у ишлов берилмаган намунага (3429 см⁻¹) нисбатан қуйи соҳага силжиган. 3300-3500 см⁻¹ соҳада аммофос таркибидаги N-H гуруҳининг валент тебранишларига тегишли полоса ҳам кўринади ва шу соҳадаги O-H нинг ютилиш полосаси билан қопланади. 2840-3000 см⁻¹ соҳадаги бир неча полосалар C-H валент тебранишларига тегишли бўлиб, ишланмаган матога нисбатан (2901 см⁻¹) бироз қуйи соҳага (2896 см⁻¹) силжиган. Целлюлоза молекуласидаги деярли барча гидроксил гуруҳлари молекулалараро водород боғланиш ҳосил қилганлиги сабабли ИҚ-спектрнинг 3590-3650 см⁻¹ соҳасида эркин –ОН гуруҳига тегишли полосалар кузатилмайди. Адабиётлардаги маълумотда 2500-3200 см⁻¹ соҳада гидроксил гуруҳи енол ёки хелат кўринишида бўлган ҳолатлари учун кенг ютилиш полосалари бериши келтирилган. Шунга кўра 29012; 3031 ва 3169 см⁻¹ даги ютилиш полосаларини антипирен препарати ва целлюлоза макромолекулалари орасидаги хелат бирикмага мос келади деб тахмин қилиш мумкин. 1641 см⁻¹ даги ютилиш полосаси O-NO₂ валент ассиметрик тебранишига мос. 1385 ва 1402 см⁻¹ даги кучли ютилиш полосалари -NO₂ гуруҳининг валент симметрик тебранишларига мос келади. Адабиётларда 1767 ва 2399,81 см⁻¹ га мос келувчи тебранишлар учрамайди. Ушбу кучсиз полосалар антипирен препарати ҳамда целлюлоза макромолекулалари орасидаги ўзаро таъсирдан пайдо бўлган янги боғланишга тегишли бўлиши мумкин.


Соф мато ҳамда уларнинг турли таркибли антипирен препаратлар билан ишланган намуналари ИҚ-спектрларининг таҳлили натижаларига кўра антипирен препаратлар таъсирида целлюлоза макромолекулалари таркибидаги эркин –ОН гуруҳга тегишли 3500-3600 см⁻¹ соҳадаги

полосаларнинг умуман йўқлиги препарат компонентлари билан материалнинг ўзига хос боғланиши юз бериши тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. 2896-3150 см^{-1} соҳаларда ҳолат бирикмаларга хос полосаларнинг кузатилиши ҳам юқоридаги фикрни қувватлайди ҳамда таклиф этилаётган антипирен препаратларнинг ёнғиндан химоя самарадорлиги мавжудлигини исботлайди.

Азот ва фосфор сақлаган антипиренларнинг аҳамияти катта бўлишига қарамай, уларнинг таъсир механизмлари тўлиқ ўрганилмаган. Ўтказилган ИҚ-спектроскопик таҳлил натижаларида 1250 см^{-1} соҳада P=O га тегишли, 1010 ва 1070 см^{-1} соҳадаги P-O-га тегишли ҳамда, ~790-810 соҳалардаги C-O-Рвалент тебранишига тегишли полосаларнинг мавжудлиги целлюлоза макромолекулаларини таклиф этилган антипирен таркиблар билан ўзаро мураккаб эфир боғларини ҳосил қилишини кўрсатади:




Бундан ташқари 2500-3200 см^{-1} соҳада гидроксил гуруҳи енол ёки хелат кўринишида бўлган ҳолатлари учун кенг ютилиш полосалари кузатилади. 2902; 3031 ва 3169 см^{-1} даги ютилиш полосалари антипирен препарати ва целлюлоза макромолекулалари орасидаги хелат бирикмага мос келади. Термик анализ натижасида температуранинг 250-260 $^{\circ}\text{C}$ соҳасидаги эндо-эффектлар препарат таркибидаги аммиакнинг ажралишининг бошланишига тўғри келади. Температуранинг 300-310 $^{\circ}\text{C}$ соҳасида эса диаммоний фосфат таркибидаги иккинчи аммиакнинг ажралиши кузатилади:




Жараён эндотермик бўлганлиги сабабли ёнувчи материал сирт юзасида материалнинг етарли даражада қизиши ва ундан ёнувчи компонентлар ажралиб чиқиши учун зарур бўлган иссиқликнинг йўқолиши кузатилади. Бу таклиф этилган антипиреннинг энг дастлабки таъсир самараларидан биридир.

Реакция натижасида ҳосил бўлган аммиак умумий газлар аралашмасига қўшилиб, биринчидан кислороднинг парциал босимининг камайишига сабаб бўлади. Иккинчидан, аммиак кислород таъсирида ёниши ҳисобига ёнувчи сирт юзасида кислород концентрациясининг камайишига олиб келади:




Натижада, антипиреннинг яна бир таъсир самараси намоён бўлади, яъни материалнинг ёниши учун зарур бўлган кислород миқдори кескин камайд.

Аммиак ажралиши тугандан сўнг материал юзасида целлюлозага бириккан фосфат кислотанинг ҳам парчаланиши рўй бериши эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ, фосфат кислотанинг асосий вазифасидан бири целлюлоза макромолекулаларининг термодеструкциясини кокс ҳосил бўлиши томонга силжитиш ҳисобланади, яъни соф целлюлоза парчаланганда ҳосил бўладиган спиртлар, ацетон, альдегидлар ва бошқа ёнишга ёрдам берувчи компонентлар ўрнига ёниши қийин бўлган кокснинг ҳосил бўлиши аланга тарқалмаслигини таъминлайди.



Бундан ташқари антипирен таркибидаги $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ нинг термик парчаланишидан қуйидаги реакциялар натижасида ёниш жараёнини кескин сусайтирувчи P_2O_5 ҳосил бўлади:



Температуранинг 500°C дан ортиши билан ушбу юқоридаги бирикмалар ҳамда эркин фосфат кислота целлюлоза макромолекуласининг дегидратациясини катализлайди ва карбонизация (кокс ҳосил бўлиши) ни кучайтиради. Кокснинг ҳосил бўлиши натижасида реакция муҳитида аланганинг тарқалишини қувватлайдиган газсимон бирикмалар чиқишининг олдини олинишига, бинобарин, материалда аланга тарқалмаслигига сабабчи бўлади. Термик анализ натижаларидан, антипирен препаратлар таъсирида кул қолдиғининг ортиши юқоридаги жараённинг содир бўлиши мумкинлигини исботлайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Республикада ишлаб чиқариладиган аммофос ва ноорганик бирикмалар асосида ёнғин ҳимоя воситалари олиш усуллари ишлаб чиқилди.

2. Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган аммофос эритмасининг таркиби физик ва кимёвий усуллар ёрдамида яхшиланди. Аммофос эритмасини қаттиқ қўшимчалардан тозалашнинг мақбул шароитлари танланди. Турли қўшимчалардан тозаланган аммоний гидрофосфат ва аммиак асосида юқори самарадор антипирен олиш жараёни тавсия қилинди.

3. Аммофос, аммоний нитрат, аммоний сульфат ва бошқа бирикмалар асосида олинган суюқ антипиренлар хоссасига бошланғич компонентларнинг ўзаро нисбати, эритма муҳити ҳамда жараённи олиб бориш шароитининг таъсири аниқланди. Таркибида аммофос ва ноорганик тузлар сақлаган самарадорлиги юқори бўлган ёғоч, турли матолар ва пахта толасини ёнғиндан ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилди.

4. Антипирен воситаларини қўллаш ва сақлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлари: зичлиги, динамик қовушқоқлиги, солиштирма электр ўтказувчанлиги ва тўйинган буғ босими, маҳсулотнинг барқарорлигига эритма муҳити ва бошланғич компонентлар ўзаро нисбати таъсири аниқланиб, материалнинг турига кўра таклиф этилаётган ёнғин химоя воситасининг сарфланадиган миқдори кўрсатиб берилди.

5. Таклиф этилган антипирен билан ишлов берилган енгил ёнувчан материалларнинг ёнғин химоя самарадорлиги термик, ИҚ-спектроскопик ва бошқа таҳлил усуллар билан баҳоланиб, азот ва фосфор сақлаган ноорганик антипирен воситаларининг таъсир механизми тасдиқланди.

6. Таклиф этилган препаратлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ Ёнғин хавфсизлиги илмий-техник таъминлаш маркази лабораториясида махсус синовлардан ўтказилиб маҳаллий хом ашёлар асосида азот ва фосфор сақлаган экологик хавфсиз юқори самарадор ёнғин химоя воситалари SamUZ-1 ва SamUZ-2 ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc27.06.2017.K.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУРАХМОНОВ ГУЛОМЖОН АБДУСАМАТОВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ И ИЗУЧЕНИЕ СВОЙСТВ АЗОТ И
ФОСФОРСОДЕРЖАЩИХ ОГНЕЗАЩИТНЫХ СРЕДСТВ**

02.00.01- Неорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент- 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.4.PhD/K52.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.muuz.uz и на информационно – образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель: **Абдурахманов Эргашбой**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рафиқов Адхам Салимович**
доктор химических наук, профессор

Даминова Шахло Шариповна
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация : Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится « ___ » _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (99871)277-12-24; факс: (99824)246-02-24, e-mail: chem.0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (99871)277-12-24; факс: (99824)246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № ___ от « ___ » _____ 2018 г.)

Х.Т.Шарипов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д. А. Гафурова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

Н.А.Парпиев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., проф., академик

ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире синтез и исследование свойств азот- и фосфорсодержащих средств защиты от возгорания является важным как теоретически, так и практически. В сегодняшний день синтез и использование средств защиты от возгорания в различных отраслях народного хозяйства развиваются бурными темпами. Широко распространённые текстильные ткани являются опасными к возгоранию и возлагается на современную науку решение задача установление закономерностей распространения пламени в материалах и на этой основе разработать новое поколение средств защиты от возгорания - антипиренов.

В качестве огнезащитных средств-антипиренов использованы различные органические и неорганические составы. Для значительного снижения горючести легко воспламеняющихся материалов в их состав вводятся различные галоген, азот- и фосфорсодержащие вещества. В последние годы при синтезе антипиренов и улучшения их состава особое внимание уделяется их экологической безопасности. В частности, синтезируются антипирены, не содержащие в своем составе хлора и брома. В связи с этим, имеет особое значение исследования, направленные на синтез и изучение составов экологически чистых азот- и фосфорсодержащих огнезащитных средств на основе местного сырья.

